

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ •

• Баҳоси эркин нарҳда •

ЎЗГАЛАРНИ ҚАДРЛАГАН ИНСОН (ЖУМЛАДАН, ХАЛҚ ҲАМ) ЎЗИНИ ҲУРМАТ ҚИЛГАН ҲИСОБЛАНАДИ. ШУ КУНЛАРДА ҲИНДИСТОН МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНИ НИШОНЛАДИ. БИЗНИНГ ТАНГАМИЗГА ҲАМ САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ. ФУРСАТДАН ФОЙДАЛАНИБ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БАРЧА ҲИНДЛАРНИ МУҚАДДАС БАЙРАМИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙМИЗ.

ҲИНДУЛАР РАҚСИ

Сиз кўриб турган суратдаги йигитча ҳиндуча рақс ижро этаяпти. Биз уни Ҳиндистоннинг Харина штатидаги байрамда суратга олгандик. Бундай ҳиндулар фақат Америкада бор деган тушунчяям йўқ эмас айримларда. Мана сизга исбот. Ҳиндлар кўпайиб Осиёнинг ҳар томонига кўчиб кетишган. Улар ўзимиздаям бор. Африка қитъасидаям бир неча миллион ҳинд яшайди. Шунингдек бир вақтлар Жанубий Америкага кўчиб боришган деган хулоса келиб чиқмайдими, яъни ҳиндуларнинг келиб чиқиши бир нуқтага тақалмайдими?

ҚАБИЛАГА МАДАНИЯТ КЕРАКМИ?

Ҳинд ўрмонларида ҳали қабила бўлиб яшайдиган одамлар бор. Уларнинг ўзлари бир жамият ҳисобланиб, ўз қонун-қоидаларига эга. Жумладан, кийиниш масаласидаям. Ҳиндистоннинг «Today» ҳафталик журналида бир қабила ҳақида ёзилиб ҳатто қабила аъзоларининг суратлари ҳам берилган. Юз, бир юз элли кишининг орасида 4-5 кишидагина кийим бўлса бордирки, қолганлари қил яланғоч. Тартиб шунча экан.

МАХАТМА ГАНДИ ЯЛАНҒОЧ ЮРГАН

Ҳиндларнинг «отаси» ҳисобланмиш Махатма Ганди ҳам кўйлаксиз юрган. Айтишларича, бир кун белидан юқорисида либоси йўқ кишини учратиб қолади-да, ундан нега бундай юрганлигини сўрайди. У эса камбағаллиги сабаб кийими йўқлигини айтади. Шунда халқимнинг ҳаммаси кийим киймагунча мен ҳам шундай юрман деган экан. У Англияга расмий ташириқдаям шундай аҳволда борибди. Шунда инглиз зодагонларидан бири киноя билан «бир мамлакатнинг каттаси бўлгач, либос кийиб юрсангиз яхши бўларди» деганда, Ганди «ҳамма нарсани ташиб бўлдиларингку, нимани кияй» деб жавоб қилган экан.

ҚИЗИҚАНЛАР УЧУН

Ҳиндистондаги дафн маросимини кинолар орқали кўргансиз — марҳумни ёқишди. Лекин унинг шимолий-ғарбий қисмида бир жой борки, у ерда жасад махсус минорада ўлаксахўр қушиларга едирилади. Фақат суякларигина қолади. Суяклар қуриб, миноранинг ичига тушади. Бу уларнинг урф-одати. Ғарб олимлари уни атроф-муҳитга энг зарарсиз дафн дейишмоқда. Янаям худо билади. Бу ҳақда



Х. САИДОВ сурати

• КЕЙИНГИ СОНЛАРДА: •

ИСРОИЛ ЮСУПОВ:

ИТ УРИШТИРИШНИНГ НАФИ БОРМИ?

ДИЛМУРОД САЙИД:

МЕН ТОЛСТОЙ ЭМАСМАН



Эсдалик

ИЛОН ЧАНГАЛИДА БИР КЕЧА

Куйидаги ривоятимиз ҳикояни менга Афғонистонда ҳарбий хизматни ўтаган дўстим айтиб берган. Ишончсиз тикилган кўзларимга қараб, бу бўлган воқеа эканини таъкидлаганди, ўшанда. Ҳикоя қаҳрамони — ўзбек йиғити мужоҳидларга зарба бериш учун тайёргарлик кўраётган қисмда ошпаз бўлиб хизмат қилган. Уша йиғит ҳар кун кечки овқатдан сўнг ошхонада йиғилган ювиндини қисм жойлашган ердан ҳийла узокроқдаги ахлатхонага ташлаб келарди. Уша кун ҳам тепалик олдидаги хандаққа челакини ағдариб бўлай деганда, тепалик пойидаги ўрадан чиққан йўғон илон ювиндига интилди. Йиғит эса хайрат ва қўрқувдан донг қотган эди. Йўғонлиги озғин одам гавдасича келадиган илон овқат қолдигини еб бўлгач, ҳеч нарса кўрмагандек яна ўрага кириб кетди. Ҳушига келган йиғит бўшаган челагини кўтариб қисмга чопди. Бўлган воқеани тасодифий деб бировга айтиб ўтирмади. Лекин илон ҳар кун шу маҳалда ўра оғзида пайдо бўладиган ва челака оғзини тутиб тура-

диган одат чиқарди. Йиғит ҳам бора-бора бу одатга кўнишди. Уртада сўзсиз дўстлик ришталари боғлангандай эди...

Қисм мужоҳидларга қарши жангга киришига яқин қолган кезлар. Ошпаз йиғит намозшом маҳали одатдагидек дўстини овқатлантириб, энди орқасига ўғирлиб эди, белига урилган зарбдан йиқилиб тушди. Илон унинг белига чирмашиб олган экан. У ҳарчанд унинг чангалидан чиқишига уринар, илон эса янада маҳкамроқ чирмашарди. Шу пайт йиғитнинг хаёлига нималар келиб-кетмади. Бақирди — овози чиқмади. Узи шунча вақт яхшилик қилган илонга ем бўлишини йўлаб, даҳшатга тушди. У ярим соатлар чамаси илон билан олишгач ҳушини йўқотди. Ушга келганда эса атрофга тун чўккан, сукунат эди. Урнидан турмоқчи бўлди-ю, ҳалиям илон чангалида эканини англаб, яна чиқишига уринди. Кучи етмагач бу илон ҳақида бирор дўстига айтмагани афсусланди. Энди фойдаси йўқ. Агар илон шерикларини кутаётган бўлса, талом. Тилка-пора қилишади.

Йиғит яна ҳушидан кетди. Бу сафар кўзини очганида тонг ёришиб келаётган, илондан эса ном-нишон йўқ эди. У ўрнидан иргиб турди-ю, кечаси бўлиб ўтган ҳодисани хотирига келтириб-келтирмай қисмга юзурди. Эшикни очиб ётоққа (казарма) кирди. Эшик олдида турадиган соқчи (дневальный) тумбочкага сўяниб тик турарди. Соқчи ухлаб қолибди деб ўйлаган йиғит унинг яқинига борди. Соқчининг иккала қулоғидан оққан қон иягида қолиб қолган, у ўлган эди. Йиғит даҳшатдан ўзини йўқотиб, ичкарига юзурди. Ҳар бири ором олаётгандай ётган қисм жангчиларининг бирортаси нафас олмасди. Ҳар биттаси ётган ўрнида чавақланган ёки соқчига ўхшаб қулоғига шомпол (милиқ то-залагич) тиқиб ўлдиргани аниқ эди.

Даҳшат қўйида қайта-қайта садо берган бир ўкирик йиғитнинг қулоғини тешиб юборгудек бўлар, у ҳозир ўзининг овозини ҳам танимайдиغان аҳволда эди.

Рустам МИРАЗИМОВ



ТАНТАНА ЯҚИН

Бир танишим ҳикоя қилди: ишдан келсам, онам оғир бетоб бўлиб қолибди. Узини билмайди, ҳатто мени ҳам танимади. Кўрқиб кетдим. Нима қилишимни билмай, бир фурсат довдирадиму касалхонага олиб бордим. Дўхтирлар онамни текширишган бўлишиб, бир нималар қилишди. Мен бўлсам ёшли кўзларим билан катта дўхтирга мўлтирайман денг.

— Умид қилиш қийин, — деди охири дўхтир менга қараб, — тайёргарлигингизни кураверинг.

Мен қарахт бўлиб қолдим. Гапирай дейману гапиролмайман, бўзимга нимадир тиқилиб, кўзимдан ёш қуйилади, холос.

Бирор нажот илинжида ташқарига чиқдим. Шу пайт менга жуялироқ маслаҳат бергувчи киши керак эди. Шу ўй билан беихтиёр каттароқ ишда ишлайдиган таниш

акамга сим қоқдим.

— Бўпти, — деди у гапларимни эшитгач. — Мен дўхтирлар билан гаплашиб кўраман.

Лекин нимани гаплашишини тушунмадим, ахир ҳеч қандай умид йўқ дейишди-ку... Ундан нари яқин қариндошларни хабардор қилиш учун кетдим. Кечкурун касалхонага қайтиб келсам, онам туппа-тузук ётибди. Ҳатто мени кўриб жилмайди, чойпой ҳам ичибди. Уша маҳал менинг қувонганимни айтсангиз...

Дўхтирга учрасам, «фалончининг яқини экансиз, аввалроқ айтмасиз-да» — деб кўйди. Мен нима дейишимни билмадим, ҳаммамизга таниш бўлган «нарсанинг» кудратига тан «бердим, холос...

Наби ЖАЛОЛИДИН

ЕТТИ КУН

Э, БОР ЭКАН-КУ!

КОГОННИНГ СОВУНИГА КИР ЮВАСИЗ

Тез орада, Когон ёғ-экстракция завўди қошида ташкил этилган кир совун цехи маҳсулот чиқара бошлайди. Ҳозирча вилоятда ягона бу цех суткасига 10 тўнна совун тайёрлаш қувватига эга. Цехнинг очилиш маросимидаёқ бу кўрсаткични 30 тўннага етказиш ҳақида таклиф ўрганиб чиқилди.

ФАРҒОНАНИНГ «ЭНГ ОҚИЛА ҚИЗ»И

Шукри, Фарб давлатларидан фарқли ўлароқ, бизда хотин-қизлар ақллари билан беллашадилар. Яқинда, Фарғона шаҳрида вилоят бўйича «Энг оқила қиз» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Марғилонлик Равшаной Абдуллаева водийнинг биринчи нўмерли оқила қизи деб топилди. Қумушбининг ғолиба юртдоши мамлакат миқёсида бўладиган танловда қатнашиш имконига эга бўлди.

ПОРТЛАШ БИЗНИ ОГОҲЛАНТИРАДИ

Сибё туманида бир хонадонда эътиборсизлик оқибатида ёнгин чикди. Ҳовлида ётган, пропанбутан гази билан тўлдирилган 50 литрли баллон кўёш тафти таъсирида ёрилиб, кучли портлаш рўй берди. Натижада, ҳовлида тушилик қилиб ўтирган оила аъзолари кўрқиб ҳушларини йўқотдилар. Ёнгинда 6 жон ҳалок бўлди. Ойлақнинг икки аъзоси оғир аҳволда шифохонага тушди.

Қозон-ўчоққа баллонли газдан фойдаланувчилар, бу воқеадан сабоқ чиқаринг!

ДАЙДИ «СПИД» ҚУВИЛДИ

Сибир томонлардан Паст Дарғом туманига Т. деган шахс дайдиб келиб қолдию туман хўжалиқларидан бирида бошпана топди. Хўжалиқда бригада бошлиғи бўлиб ишловчи бир жаноб уни текин овқат эвазига шахсий молбоқар қилиб кўйди. Иттифоқ, қишлоқда бир ўғирлик содир бўлдию, бригадир хизматкоридан айрилиб қолди. Уғрилиқда туман қилинган Т. ҳарқалай ўғри эмаскану, баттарроқ экан. Дайди СПИД билан касаллангани маълум бўлди.

БИР-БИРИГА УМР ТИЛАБ ИЧИШДИЮ УЛИШДИ

Навоийлик 8 нафар ароқхўр тайёрланган пластмасса идишли ароқдан нўш этиб, ҳалок бўлди. Яна 8 таси эса, оғир заҳарланиб шифохонага тушишди. Аниқланишича, бу ароқнинг таркибида кучли заҳарли метил спирти бор экан.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ



УЗУМ ПИШДИ

Ижодкор танишим билан гаплашиб тургандик, адабиётшунос олим Маҳкам Маҳмудов келиб қолди. Одатдагидек, қўлда катта портфель, кайсидир тахрирлянинг эшигини чертиш учун шошиб кетаётганга ўхшайди. Салом-алиқдан кейин эски таниши — менинг ҳамроҳимдан ўртоқларини суриштириб қолди:

— Ишни ўзгартирдим, — деди собиқ ходим ҳижолатомуз.

— Э, яхши бўлмабди-ку, қайси соҳага ўтдингиз, — сўради Маҳкам ака.

— Кичик корхона очаялман.

— Унда, тўғри қиласиз, — сафарда ҳамроҳ топилган йўловчидек қувониб кетди олим. — Энди, шундай қилмас бўлмайди. Биз ҳам Маъруф билан кичик корхона очмоқчимиз.

Бу гап ёз кундаги момақалдиқдек таъсир этди. «Ҳар ким ўз ишини қилиши керак» деган гап бор. Бу шунчаки йўлда айтилгандек туюлса-да, замирида катта маъно бор. Темирчини қанча тарбияламанг, ундан чолғучи чиқмаганидек, табиатан хаёлпараст одам ҳисобчилик қилолмаслиги мумкин. Китоб титиб, қалам қитирлятиб юрган ўрта ёшли одамнинг бирданги фикрини ўзгариши қизиқ туюлар экан.

— Кичик корхона қанақа бўлади, — ўсмоқчилаб сўради.

— Биласизлар, ҳаммамиз бетон уйларда яшаймиз, оёқдан нам ўтиб, кўпчилик қораоқсоққа чалинди. Мабодо, ерга бўйра тўшалса, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Мана, Бўрибой Аҳмедов янги уй олди, бўйра излай-

ди — топилмайди. Биз бўйра тўқишни йўлга қўямиз. Ҳозир тўқийдиган эски усталарни изляямиз. Кейин қамиш экиб, ўриб, ишни бошлаб юборамиз.

Маҳкам ака бу гапларни жиддий айтди, бундай пайтда ишонмаслик мумкин эмас. Табиий, биз хайрли ишга қўл урилганини таъкидлаб, ривож тиладик.

Шундан кейин ўйлаб қолдим: ростдан ҳам олим Маҳкам Маҳмудов ва шоир Маъруф Жалил бўйра тўқишни йўлга қўйиб юборса-я.

Мен бундай ҳунар эгаларини кўрмаганман, билмайман ҳам, бироқ зовурдан қамиш ўрганман. Бу чинакам азоб, ярим белгача сув кечиб, бўйдан ҳам баланд, бўйсунмас пояларни қайириб, қирқиш, яна қирғоққа ташиб чиқариш осон эмас. Билмадим, бўйрага қанақа қамиш ишлатилади? Ҳуллас, бу ишга бел боғлаганларнинг ғайратига тасанно айтиб юрдим.

Бир кун Маъруф акани емакхонада кўриб қолдим. Ҳазиллашиб, бирор гап айтмай, дедим-у, индамадим. Аста кузатдим. Мен дасталаб қамиш ўрадикан, уни машинага иргитиб-иргитиб юклайдиган, юрса ер титрайдиган пахлавонни кўришни истардим. Шоир эса ошно хаёллари огушига фарқ ҳолда теварагидегиларга бепарво, ҳаракатлари ўзидек майин, столга ҳам худди شوҳга омонат кўнган қушдек ўтирарди.

Маъруф акада ўзим кутган пахлавоним сиёғини тополмагани, ичимда шордан бизнесни эмас, шеърни кутиш керак экан, деб қўйдим.

Халил СУЛТОН

ҲАЙРАТИНГА БАЛЛИ!



Жўра БОБОРАҲМАТ сўраги

Савоб
ЙЎЛОВЧИЛАР
УЯЛИШДИ,
ШЕКИЛЛИ...

Новқат — Фарғона йўналиши бўйича қатнайдиган автобус тирбандлигидан аранг илдамлаётган эди. Ҳали Қирғизистон ҳудудидан чиқмасимиздан ёнимдаги аёлнинг ранги оқариб, бир неча дақиқа ичиди ҳушини йўқотди. Уни маҳкам ушлаганимча, атрофдагилардан назот кутдим. Аксига олиб, ҳеч ким эътибор бермас, ўтиранлар ҳам, тик турганлар ҳам бепарво кетишар эди. Шофёрдан дарҳол машинани тўхтатишини сўрадим. Йўловчиларнинг пастга тушиб туришларини илтимос қилиб, аёлни кўтардим-да, тоза ҳавога олиб тушдим. Ҳамма ҳайрон. Ўзим билганимча унинг юрагини массаж қилдим. Яхшияйки, бир аёл йўлга озроқ сув олган экан, наф берди. Аёл ўзига келач оҳиста автобусга чиқдик. Йўловчилар ё уялишди, ёки ачинишди ҳар ҳолда иккалаимизга жой беришди. Сўхбат жараёнида у аёлнинг Новқатдан Фарғонага келин бўлиб тушгани, яна оғирроқ эканлиги маълум бўлди. Манзилга етиб келганимиздан кейин бояги аёл турар жойини, телефон номерини сўраб олди. Уша кун кечга яқин потаниши йешиг қўнғирроқ қилиб, умр йўлдошига кўрсатган ёрдамим учун чўқур миннатдорчилик билдирди. Бештиёр қувониб кетдим.

Анвар МИРЗАЕВ

ҲАЛОЛМИ Ё
ҲАРОМ?

Бир кун ишдан қайтаётиб, битта дайди ит товукни тишлаб кетаётганини кўриб қолдим. Жонжаҳдим билан югуриб, бакириб итнинг олдига чиқдим. Ит бечора кўрқиб ноилоҳ товукни ташлаб қочди. Бориб кўрсам ҳали жўжа экан, оғзидан қони оқиб турарди. Қўшиллардан суриштирдим. Аммо эгаси чиқмагач, ўз товукларим орасига қўшиб қўйдим.

Аста-секин ойлар ўтди. Уша жўжа ўсиб, жуда чиroyл товук бўлиб етишди. Ўзимизнинг товуклардан ўзгача бўлиб ажраб турарди, қурғур. Тез орада тухум кила бошлади. Товукларнинг дон-

сувидан кўпроқ аёлим хабар олиб турарди. Бир кун негадир ўзим бордим ва қўноқ тағида ётган ўша товукка кўзим тушди. Кўрсам, эгина жони бор экан, узилай деб турарди. Тезда пичоқ олиб ҳалолладим. Бирок, ўйлаиб қолдим.

Азизлар бу лўкма менга ҳалолми ё ҳаром? Ахир ўлиб қолиши мумкин эди-ку, тўғри эмасми? Мен атиги беш минут кечиканамда аник ўларди.

Аҳмад АБДУЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон
Мухтор жумҳурияти,
Амударё тумани



С. МАҲКАМОВ сўраги.



ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

- ЕЙЛАР БЎЙИЧА:
1. Бир йил тут эккан киши, Юз йил ... таради.
 2. Ишнинг зўрин ... қилар.
 3. Ҳисобли ... айрилмас.
 4. Бесабаб оёққа ... кирмас
 5. Бирлашган тоғни ... қилар.
 6. Қатиқ тўқилса, юки қопади, ... тўқилса нима қолади!
 7. ... пул қарчғай.
 8. Жоҳилликдан жон чиқар, Қобилликдан ... чиқар.
- БЎЙИГА:
1. Ота ақл, ... идрок.
 2. Бирлик йўқ, ... йўқ.
 3. Азоб кўрмай ... йўқ.
 4. Она юртинг, ... бешинг.
 5. Эл соғлиги ... бойлиги.
 6. Юрган дарё, ўтирган...
 7. Утлоқда бедана кўп, Дангасада...
 8. Оч қорним, ... қулоғим.
 9. ...гойибдан эмас, меҳнатдан.
 10. Чумчуқдан қўрққан ... экмас.
 11. ...ўрган, кейин ўргат.
 12. Кўз кўрқок, қўл...

Азиз муштарий! Ушбу машқ ўзбек халқ мақолларидаги айрим сўзлар асосида тузилган. Уларни топиб шаклга рақамли хонадан бошлаб ёзиш билан ҳал этиб, мақоллар бобидаги билимингизни санаб кўринг-чи.

29. Минг ширин насихатдан, Битта... яхши.
 30. Ер ҳазина, меҳнат...
 31. Таъна қилма, ... қил.
 32. ...бўлмаса дарахнинг боши қимирламас.
 33. Кўпкам меҳнати билан ...
 34. Шошганда ... топилмас.
- ЭНИГА:
8. Ишга ..., ошга тайёр.
 17. Ота-она тахт этар ... эта билмас.
 24. Кенгашли ... тарқамас.
 26. Бир деҳқон ... билан, Етовлон чўмич билан.
 27. ...экинингни ясат.
 32. Мевали дарахтга ... тегар.
 34. Кўпнинг ризқи — ...
 36. Гапни... сўзла, ишни кўп кўзла.
 39. Қари билганин ... билмас.
 40. Илм ... чиргоғи.
- ЮҚОРИДАН ПАСТГА ТОМОН ЧАПГА:
14. Минг қўшқача бир ...
 20. Дўстлик ипнини узма, уласанг ... қолар.
22. Айрилганин ... ер. Бўлиганин бўри ер.
29. Гап билан... ўриш осон.
 31. Юнг оламан десанг, жайдари, Бой бўламан десанг...
 36. Бургага аччиқ қилиб, ... қўйдирма.
- ЮҚОРИДАН ПАСТ ТОМОН УНГА
23. ... бедарвоза эмас.
 25. ... адоватинг қўшинси.
 28. Ер қазимасанг, олтин чиқмас, Қармоқ солмасанг,...
 37. ...минг дардга даво.
 38. Одам ..., дийдор ганямат.

Фозилжон ОРИПОВ

«Оила ва жамият» 31 (154)

Инсон вужуди борлиқни ўзига синдирувчи ҳамда ўзида мўжасман этувчи нарса. Борлиқни инсон нигоҳи, ҳиссиёти ёки озиқланиши орқали истеъмол қилар экан, аввал вужуд баҳра олади. Вужуднинг истеъмолдан нечоғли лаззат олиши руҳда аке этади. Борлиқ — истеъмолдир, у инсонга фақат моддий озуқагина эмас, балки маънавий камолоти учун ҳам улкан дарахтнинг ўсиб улғайиши шунчаки нарса эмас, унда турли хилдаги меваларнинг пишиб етилишида илм аҳли учун Аллоҳнинг ҳикмати мавжуд. Балки инсон тунрогдан яралмасдан аввал уруғда етилгандир. Балки инсониятнинг болалиги, навқирон даври, кексали-

ги, яъни охиратнинг барҳақлиги табиатдан маълумдир. Зеро, ҳозирги замон табиёт олимлари инсоннинг умуртқа суяги пастки поғонасида уруғлик донаси борлигини айтишяпти.

Машҳур шайх-ул ориф Баҳовуддин Нақибандий: «Вужудни инкор қилиш тариқати йўлининг энг яқинидир» дейди. Келинг мулоҳаза қилайлик, инсон она қорнида тўлиқ шакланган шахсга айланади. Чунки, у энди оқиқанда безовталанади, қорни тўйганда ором олади, она ётганда ўзига қулай ҳолда ётишига мажбур қилади, шу билан ўзининг шахс сифатида мавжудлигини, ором олишига ҳақли эканлигини англатиб туради. Шахснинг шакллани-

шига эса руҳ сабаб, руҳ — жон, жон жисмга киргач жисм ҳаракатга келади. Демак, аввал вужуд руҳ таъсирида улғаяди. Она қорнидаги чақалоқ ёруғ дунёга келгач фазонинг чекизлиги,

борлиқнинг улканлиги қошида руҳ қарахт ҳолатга тушади. Худди ана шу жойдан вужуднинг бирламчи фаолияти бошланади. Энди руҳ вужуднинг ҳаракати билан оламни кўра бошлайди.

Вужуд ташқи олам таъсирида улғаяди. Вужудга синган ҳар қандай нарса руҳга ҳам маълум маънода сингади. Руҳ азалий, вужуд янгилашиб туради. Атрофга қаранг: руҳ илоҳий, у Аллоҳга интилади, худосизлик гоясида тарбияланган вужудни-

на уни инкор қилади. Натижада одамлар Аллоҳ десада, Унинг буюрғанига амал қилмайдилар. Ёруғ оламдаги мавжудлик — борлиқ бўлганлиги ҳаёт лаззати вужуд учун моддий озуқа эмас. Биринчи навбатда маънавий озуқадир. Нақибандий: «Баъзиларнинг кўнглида муҳаббат уруғи бор, аммо уни хасу хашак босган, ўсолмайди, бизнинг вазифамиз хасу хашакдан тозалаш. Баъзиларнинг кўнглида муҳаббат уруғи йўқ, бизнинг вазифамиз пайдо қилиш», дейди. Хасу хашак вужуд, яъни фоний дунёга берилиши, муҳаббат руҳга хос илоҳиятдир. Борлиқдаги кечмишлар вужуднинг ўзалиги, қаердан келди, қаерга кетади, уни бошқарувчи куч нима эканлигини англатиб туради. Зотан, умр бир лаҳзалик, уни инсон истаганча тасарруф қилиши ҳам мумкин. Илоҳий китобларда Аллоҳ бандаларини биздан уялмасе истаган ишларини қилишлари мумкин, дейди. Демак, Аллоҳ бандаларини ўткинчи, оний нарсалар билан синайди. Охиратни йўлаган борлиқдан маънавий озуқа қидиради.

Ҳазрати Азизон (Ҳожа Али Ромитаний)дан «иймон нима?» деб сўраганларида, у киши: узилиш ва етишиш, деб жавоб берган эканлар. Узилиш — руҳни ҳалокатга олиб борувчи, вужудни иллатга тўлдирувчи фоний дунёнинг сохта «жаннати»дан кечиш, вужудни тозалаш ила руҳни поклашдир. Айшу ишрат умр эзови, унга берилиш ўзини ҳалок қилишдир. Инсон бу дунёга нега келади, яшайдан мақсади нима, англамай яшаши даҳшат. Узилиш — демак, ўзлик сари интилишдир. Етишиш — ҳар босган қадамда, олган нафасда, томирларда оқаётган қонда, вужудда Аллоҳни бор этиш. Зотан, инсон Аллоҳдан ўзига муҳтож эмас. У фақат Аллоҳ қаршисидагина бош эгиши мумкин, у туғилишидан мағрур, эркин яралган.

Вужуд эҳтиёждан ташқари зебу-зийнат, молу дунё учун ўзини бахшида этаркан, унда узилиш бўлмайди, узилиш

бўлмаган жойда етишиш мавжуд эмас, оқибат имон завоел топади. Нақибандий: «Ибодатда вужудни қидириш бор, убудиятда вужудни вайрон қилиш бор, то вужуд боқий экан ҳеч қандай амал натижа бермайди», дейди. Ибодатда вужудни қидириш, яъни вужудда иллат бўлса ибодатда бузилиш бўлади. Тетик руҳ вужуднинг қайси жойида иллат борлигини қидиради ва ўша жойни покзалашга ҳаракат қилади, убудият, яъни Аллоҳга қулликда вужуд яратганеа топширилади, энди руҳ бирламчи, вужуд эса иккиламчидир, яъни вужуддаги ўзгарши, кечмиш билан ҳисоблашмайди. Соғлом руҳ вужуддаги ҳар қандай дардни даволай олишини ҳозирги замон табиёти ҳам исботлаган. Демак, вужуддаги вайронлик — йўқликдир. Воқий вужуд зоҳирий бўлганликка богланиб қолишдир. Зеро, кўз ойна, қалб ундан оламни кўраркан, кўз ҳамиша нопок нарсаларда бўлса, қалб ҳам унга қараб улғаяди. Ҳа, Аллоҳ ўз жамолини табиатга сочган, инсон ундан маънавий камолоти учун фойдаланишига ҳақли.

Вужудни инкор қилиш деганда ундан мутлоқ кечиш эмас, балки руҳни бирламчи даражага олиб чиқиш тушунилмоғи керак. Зеро, руҳ билан вужуд бир-бирига чамбарчас богланган нарсалардир. Қорин қанча тўйиб овуқатланса, мия шунча фикрлашдан тўхтади, мия фикрламас экан, яшайдан мазмун қолмайди. Чунки инсон қилаётган ишнинг яхши ёки ёмонлигини, амалнинг қай даражадалигини фикрлаш орқали англайди. Агар бағир тиконсиз саҳродек бўм-бўш бўлсаю, унга сув чиқариб гул ундиришига фурсат қолмасан бўлса, нақадар аянч, яъни пастда жарлик, тепада гуллаган водий сиз эса ўртада муалақсиз, на пастга туша оласиз, на тепада чиқа оласиз, бундан ортиқ аянчли ҳол бўлмасе керак. Демак, вужуддан кечиш умрга мазмун касб этиш ҳамдир.

Юсуф ХУДОЙҚУЛ

ВУЖУДНИ ИНКОР ҚИЛИШ НИМА?



ДАШТ СУКУНАТИ

...шунослик

ҒИЙБАТ

Мен бу икки аёлни билардим. Улар, яъни овсинлар бир-бирига эҳтиёж юзасидангина гап қотишар, бошқа пайтда суҳбатлашмоққа майллари йўқ эди. Чунки ўртада меҳр йўқ эди, вассалом. Гоҳи ҳовлида икки овсин қолган кезлари, «қулоқ-бурунларини кесган» каби терс кезиниб юрардилар. Шу оилага учинчи келин келди. Учинчи овсин. Тили ширин, оёғи чаққон бу келин қайнота-қайнонага ёқиб қолди. Фақат, катта овсинларга эмас.

Энди бу овсинлар бир-бири билан маънодор ва далдакор бир алфозда кўз уриштирар, ёлғиз қолди дегунларича, кенжа келин устидан «от ҳай-дашарди». Улар ғийбат қилиб энгил тортар эдилар. Буни қарангки, алалоқибат Ғийбат, бу икки овсинни жуда иноқ қилиб қўйди.

Йў-ўқ, мақсади ғийбат қилиш эмас. Асло... Умуман ғийбат тўғрисида фикр юришти. Хўш ғийбат нима? Ғийбат — ўзаро муомаланинг кенг тарқаган шакли. Умишда, ҳали эркакларимиз ўзларини тўла-тўқис эр са-

наган бир даврларда, асосан аёллар суҳбатда қўлланган. Кейинчалик жамият бани одамни тирикчилик аталмиш мушкул бир алфозга солдимиз, ҳар нечук бу муомала тури жинс танламай қўйди, кенг тарқалди. Бу ерда ғийбатнинг юқимчилигига эътибор бермоқ керак.

Эътироз билдирганингиз йўқ. Тўғрими? Чунки бунга, мен келтиражак мисолларга, барчангиз бевосита шохид бўлгансиз. Мисол эса исботда, исбот эса ҳаётда. «Алл» йиғитларимизнинг «каллани каллага қўйиб», ғийбатлашиб ўтирганини кўриб баъзида эзилиб, баъзида эса, ё ғийбатчи, ё ғийбатланувчи «қаҳрамон» бўлиб қолади, киши.

Ғийбатнинг дастлаб аёллар ўртасида шаклланишига сабаб бор. Одатда, кимнинг-

дир олдида «тили қисқ»лик... Келинг, шу гапни бошқача тарзда бошлайлик. Одатда, кимнингдир олдида «қисилган тил», хилватда ўз қавми (яна бир «тили қисқ») олдида ешилади — Ғийбат. Наҳот, бугун эрларнинг тили «заиф»лар олдида «қисқ» бўлиб қолганки, улар ўз аҳли аёлини-да (бегоналарни қўйинг) ғийбат қилмоққа эҳтиёж сезадилар.

Ғийбатнинг юқимчилигига келсак, бу унинг оҳанграбосига боглиқ. Тўғри гапдан кўра, ғийбат кўпроқ диққатни тортади, одамларни жалб қилади. (Бу балки одамларнинг руҳиятига боглиқдир? Кайдам.)

Ҳақиқатга гувоҳ ва иқрор одам ҳам, баъзан ўз ҳақиқатига қарши ғийбат зинтисе, доводираб қолади. Ёки, бирор яқининг ҳақида ўзгалар ғийбати сени эсанкиратиб қўйи-

ши мумкин. Кўпинча бундай ғийбатлар фожиали тус олиб кетади. Бундан ташқари, нақ ўзингга ўзини ғийбат қилиб қолишлари мумкин. Бунда гина-қудурат ғийбатнинг энгил кўринишида намоён бўлади.

Юқорида ҳақиқатни ғийбатга қарши қўйдик. Бу мисол нисбийдир. Чунки, айнан ҳақиқат ҳам кўп ҳолларда ғийбат касб этишини эътироф этмай, илож йўқ. Фақат шуниси борки, ҳақиқат жоиз жойда «бетига тикка» айтилмай, ножоиз ерда қулоққа шивирлаб айтилсагина ғийбат саналади.



Олимжон ҲАМЗАЕВ сурати

Барча кўриб ўтилган ҳоллар далолат бераётганики, ғийбат ожизларнинг муомала асоси экан. Бу асосли. Инчунун унга чалғиб ўтирма-сан-да, ўзимизга мурожаат қилсак:

— Ғийбат инсон имконини нечоғли тош боса олишини аниқловчи мезон. Биламизми?

— Кимнингдир устидан ғийбат қилишга кўнгул эҳтиёж сезаяптими?

— Ғийбатлашиб, хумордан чиқаялмизми?

— Ва ҳоказо...

Икром ИСКАНДАР

Маслаҳат

ЯХШИ УЙҚУ—ТАН САЛОМАТЛИГИДИР

Махшур файласуф Бэкон «Уйқу-сиз тунлар умрни қисқартиради» деб ёзади.

Дарҳақиқат киши ухлаганда кун-бўйи иш бажарган тана аъзолари маълум бир муддат ҳордиқ олади. Лекин ҳозирги пайтда аҳолининг кўп қисми уйқусизликдан ёки уйқучиликдан кўп нолишади. Бунга кўп оларда оилада бўлиб турадиган жанжаллар, иш жойидаги носоголом муҳит, шовқин, ётоқхонанинг иссиқ ноқулайлиги ва оилада тартиб-интизомига риоя этмаслик сабаб бўлади.

Уз вақтида риоя қилиб ухласангиз тан аъзоларингиз тетик, асаб системалари яхши дам олиб, бир мувозанатда ҳаракатланади. Ҳар бир инсон бир кунда 6-7 соат ухлаши зарур. Ухлаш пайти келганда китоб ўқиш, ёзув машинкасида узоқ иш-

лаш, ҳисобот ёзиш, ичкилик ичиш мия ҳужайраларининг қон билан таъминланишини секинлаштиради. Уз навбатида уйқусизлик ёки уйқучилик касалига мубтало қилади. Уз вақтида яхши ухламай ёки туннинг эвазига кундузи ухлаш бош оғриғига, ишга лаёқатсиз, дангаса бўлишига ва инсон организмни ҳар хил касалликларга олиб келади.

Ухлаганда хона ҳавоси тоза бўлиши, кўрпа-тўшак кенг, кўп қаттиқ ва юмшоқ бўлмаслиги шарт. Тамаки чекилган хонада доимий равишда ухлаш юз териларини барвақт буриштиради, ҳар хил касалликларга чалинтиради.

Кузатишларга қараганда ер магнит майдонига ўткир бурчак ҳосил қилиб, магнит майдони бўйича бошни шимол ёки жануб томонга қўйиб ётган киши тинч ухларкан.

Агар тезда уйқунгиз келавермаса, у пайт кўп гурунглашмаслик, совуқ сувга чўмилмаслик, кофе ва чойни кўп ичмаслик керак. Кечки овқатни соат 7-8 да ейишни, ётиш олдида 15-20 дақиқа тоза ҳавода айланиш ва илиқ сувга ювинишни одат қилсангиз яхши ухлайсиз.

Шунингдек ухлашдан олдин тана аъзоларингизни эркин тутган ҳолда бир неча бор чуқур-чуқур нафас олинг. Ёстиқни баланд эмас, ўртача баландликка қўйиб ўнг ёнбошдан ётиб ухланг.

Эрталаб ўрндан дарров туриб кетиш ҳам ярамайди. Шу ётган ҳолда 5-10 дақиқа жисмоний тарбия машқларини бажариш бутун танани сергаклантиради. Кун бўйи кайфиятингизни чоғ этади.

Исмоил ОРОЛОВ

Дераза

ЭРМАК ТОПМАГАН БОЛА

Уфалик 12 яшар болақай шаҳарнинг дим ҳавосидан қочиб, ёзга маъза қилиб дам олиб ўтказиш учун туманда яшовчи бувисиникга меҳмонга келди. Фарид бувисининг оғил-хонасидан бир уя илон топиб олди. Эрмак талаб Фарид уларни полиэтилен халтачага яхшилаб жойлаб, ҳаммомдаги аёллар бўлмаси бўсағасига қўйиб қўйди. Бир неча сониядан сўнг кўрқиб кетган хонимлар тоғоралари билан баданларини пана қилиб, вой-войлашганча илдан қочиб чиқибди...

Аёллар «Чбдорин топишди. Ва уни сунурғи билан боғлаб савалашди. Навбатма-навбат чўзгиллашиб, Фаридга «қулоқчи бўлиш керак»лигини эслатиб қўйишди.

ХОТИНИ ОҒРИБ ҚОЛДИ

Беморларни фарзандсизлик, наъшавандлик, микозин сустилик, ичкиликбозлик касалидан даволash мақсадида сафарини ният этиб кўйган қулоқчи шомон Николай Понтелеймон Скитивкарга келмайдиган бўлди. Сабаби, хотини касал бўлиб қолибди. Худди шу бонс шомоннинг Москвага сафари ҳам қолдирилган.

...ЛЕКИН ФАРОМУШ БЎЛМАНГ

Ростов-Донда яшайдиган В.хоним бир ярим минг долларини яшириш учун ажойиб жой топди. Зеро, ҳар қандай уччига чиққан ўғри ҳам ҳожатхона тувағиде хазина яширилганини ҳаёлига келтириши амри маҳол. Лекин бу сир тез орада беканинг ўзининг ҳам эсидан чиқиб кетди. Бир кун хоним ҳожатхона тувағини тузаттириш учун уйига уста чақирди. Усталар келиб кетган, бирдан аёлнинг эсига яширилган пуллари тўшди. Хоним эсанкираб қолмади, ўша заҳоти миршабларни нақирди. Хонимнинг бахти бор экан.

ҲОЖИБОЙ ТОҶИБОЕВНИНГ БАШОРАТИ ИЛМИЙ ИСБОТЛАНДИ

Аёлларнинг жони қирқталлиги таърифини Ҳожибой Тожибоев қойилмақом қилиб келтириб қўйган. Рим спорт олий билимгоҳи профессори Дел-Монто эса бу ҳодисани илмий исботлади. Профессор илмий тадқиқотлари натижасида қуйидагиларни аниқлади: Узоққа югурувчи спортчи бутун югурини давомда 2.800 килокалория қувват йўқотади. Аёлларимиз эса ҳар кунни уйни йиғиштириш давомда 2.700 килокалория куч сарфлайди. Уларнинг дераза артишга энг тез югурини иштирокчиси йўқотадиган қувватга тенг кучи кетади. Бир соат гўдани аврашга сарфланадиган қувват эса бир соат тўп қувган футболчиникидан кам бўлмайди. Аёлларимизнинг садағаси кетсак арзийди.

Оила

49 ЕШДА

Бухороликман. Уйланиб ярашганман. Олий маълумотли ўқитувчиман. Бўш вақтимда халқ амалий санъати билан шугулланаман. Қора кўзли, бугдой ранг, маданиятли, оғир табият, соғлом, оилапарвар кишиман. Лекин бахтсизман. Ягона мақсадим мени бахтли қила оладиган меҳрибон, озода, ҳунарли, чиройли (сочи кесилмаган), миллий, ўзбек ёки тожик аёли учраса уйланоқчиман. Ҳаёт қувонч ва ташвишларини бирга тортиб, бахтли, саодатли яшамоқчиман. «Оила-345».

Хусусий эълон

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 227-мактаб томонидан Қодирхўжаева Шоира Азимхўжаевна номига берилган 214150 номерли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



МУСИҚАНИНГ ТУГИЛИШИ

Табриклаймиз!



Азиз падари бузрукворимиз Илбс ТОЛИПОВ!

Сизни улуг айём таваллуд тошган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, хонадонингиз ҳаммиша обод бўлишини тилаймиз. Тани жонингиз ҳеч дард кўрмасин. Бизларга бош бўлиб юринг.

ФАРЗАНД ВА КЕЛИНЛАРИНИГИЗ Тошкент шаҳар, С. Қорабоев кўчаси 28 уй

Дадажоним Абдужаббор ИБРАГИМОВ!

Туғилган кунингиз ва 41 йилни қаршилаётганингиз билан дилдан муборакбод этаман. Яна шундай 41 баҳорини бир-ичтасини кўринг. Кўргангиз тўй, еганингиз

қўй, неки ният қилган бўлсангиз ҳаммаси йўлдош бўлсин. Фарзандларингиз бошига бош бўлиб, пири бадавлатлик Сизга насиб этсин. Оила аъзоларингиз номидан ўғлингиз ҲАСАНЖОН. Самарқанд вилояти, Ишмаксай қишлоғи

Қадри Эргаш ШОИМОВ ва Маҳкамтош ҚОБИ ЛОВА! Сизларни туғилган кунларингизга 70 йил, бахт тўйларингизга 50 йил тўйлиши билан қизгин табриклаймиз! Фарзандларингиз, набираларингиз, камолини кўринг. Қашқадарё вилояти, Халқ таълими ходимлари касба уюмчаси.

Азиз ва меҳрибон Маълума САМИГОВНА ХУЖАЕВА!

Камолот ёшингиз—40 йиллик мавлудингиз билан муборакбод этамиз. Умрингизга

теран мазмун, бахту иқбол ёр бўлсин.

Дўстларингиз.



Ҳурматли синфдошимиз БАХТИГУЛ ва ФУРҚАТ! Шу йил 20 август кунини Сиз азиз келин-қўвлар не-не эзгу ният билан Бахт кошонангизга қадим ранжиди қилаятсизлар. Қадимларингизга ҳасанот! Саодат ҳаммиша Сизларга ёр бўлсин, етти ўғил, етти қизнинг ота-онаси бўлиб, қўша қаринлар. Синфдошларингиз: ЗУРРИЯ, МАЛИКА, ГАВҲАР, БАРНО.

Янгийўл тумани.

Азиз ХУЖАМУРОД ака ва ДАВЛАТБИҚА янгал! Сизларни никоҳ тўйингиз-

нинг 10 йиллик таптанаси муносабати билан чин дилдан табриклаймиз. Сиз ва Сизга ўхшаган ибратли оилалар янада кўпайсин. Жаҳон айвониди энг эзгу орзу-истаклар ёр бўлсин.

УКАЛАРИНИГИЗ, КЕЛИНЛАРИНИГИЗ ҲАМДА ЖИЯНЛАРИНИГИЗ

Ҳўжайли шаҳри



Мунис онажонимиз Зайнаб РИСАЕВА! Яккабоғ тумани Юқумли

касаликлар шифохонасида салкам 30 йил ҳамширалик қилиб нафақага чиққангиз ва муборак 50 ёшга тўлаганингиз муносабати билан чин юракдан қутлаймиз. Сизга боқий умр, тиниқхатлик, оилавий хотиржамлик тилаймиз.

Бахтимизга ҳаммиша омон бўлинг.

Кўвингиз ҲАМЗА, қиз-ўғилларингиз АДҲАМ, АЛИШЕР, ДИЛФУЗА, УЛУФ, БЕК, ГУЛБАҲОР, ЖАСУР, ГУЛЗОДА, келинларингиз ХАЙРИНИСО, МАТЛЮБА

Ҳурматли ТОҶИРЖОН, МУСЛИМБЕК ва ФАРҲОД! Мен сизларни 20-август яъни 22 баҳорингиз билан қутлайман. Илоё, умрингиз зийда, бахтингиз баркамол бўлсин.

Саодат ҒОЙИПОВА Янгийўл тумани

Изоҳ

«Танишув» эълонининг баҳоси 15 сўм, шунингдек «Табрик», «Эзаро савдо» эълонлари куниндаги тартибда белгиланган: 3 босма белгининг [ҳарф, тиниқ белгиси] баҳоси 10 тўйин. Табрик сурати билан берилса, бунга суратнинг баҳоси 10 сўм. Ушундан мундарида берилмаган эълонлар икки баравар қиммат.

«Оила ва жамият» 31 (154)



Газетамиз ўз олдига янги-ча масalani мақсад қилиб қўйди. У ҳам бўлса, сизу биз эшитиб турайдим, лекин ҳеч биримиз чуқур билмайдиган соҳалар, дардлар ҳақида баҳоли қудрат ёзиш, маълумот беришдир.

Яқинда сил касаллиги ҳақида қисқача маълумот бер-

гандик. Фикримизча бу касаллик бўйича батафсил тўхталиш лозим. Зеро, бу ҳақда ҳақ орасида турли ноаниқ гаплар юради...

Аввало икки оғиз биз ташриф буюрган даргоҳ ва суҳбатдошим ҳақида. Ш. А. Алимов номидаги Ўзбекистон Фтизиатрия ва пульмонология институти деб номланган бу манзил ҳозирча Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Сил касалликлари шифохоналари кўп, лекин касаллик келиб чиқишини ўрганиш ва даволаш илмгоҳи ягонадир. Суҳбатдошим эса сил касалликларини жарроҳлик усули билан даволаш бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Каримжон Раулов. Номзодлик иши «буйрак сиқиди ўпка ва юрак қон томирларининг ўзгариши» дея номланган. Ҳозир докторлик ишيام тайёр... Шахсий ҳаёти тўғрисида кейинроқ. Ҳозир эса асосий масалага ўтамиз.

жуда эҳтиёт бўлмоғи лозим. Чунки у жудаям тинимсиз муоажа ва доимий врач назоратида бўлсагина сил касаллигини қутулиши мумкин. Бунга эса анчагина саботоқат керак бўлади.

ИККИ ОҒИЗ ДУХТИР ҲАҚИДА

Карим аканинг докторлик иши «қорин бўшлиғи аъзолари силининг ҳозирги шароитдаги аҳволати ва уни даволаш усуллари» дея номланди. Ҳозир беморларни даволаш билан бирга илмий ишнинг ҳам тугатиш арафасида. У ўзини амалийётдаги жарроҳ деб билади. Шунинг учун 1977 йили Андижон Тиббиёт институтини қизил диплом билан тугатиш, илмгоҳ ректорининг Москва ва Ленинград институтларига аспирантурага тақлифини ҳам жавобсиз қолдирди. Наманган шойи тўққиз фабрикаси қошидаги касалхонада 1,5 йил жарроҳ бўлиб ишлади.

ҳатларини аямайди. «Айниқса В. С. Гинзбург отамдек бўлиб қолганлар, яхши-ёмон кунларда доим маслаҳат бериб турадилар»,— дейди у.

Юқоридагиларга Каримжоннинг 3 ёшида отасидан ажралганлиги (у ўсма касаллигидан 32 ёшида вафот этган), 44 ёшида иккинчи отасиям ўсма касаллигидан сўнг оламни тарк этганлиги уни не аҳволга қолдирганлигини қўйсақ, тиббиётга бўлган иштишининг нақадарлигини аниглайди, фикримизча.

ОНАСИ, ОИЛА...

Бундай ҳаётда икки ўғил тўрт қизнинг асосий таянчи она — Санобар ая бўлганлиги, қийинчилик билан бўлса-да фарзандларини ўқитгани ойдаи равшан. Санобар аянинг ўша оғир дамлардаги яхши кунлардан умиди, дуоларию кўз ёшлари айни кунда фарзандларининг камолотини кўргач ва дас-

мад Юсуфни яхши кўраман. Шунингдек, классик ва лирик кўшиқларни жон деб тинглайман.

ТАЛАБАЛАРГА УГИТ

— Зарур бўлганда ҳамширалар ишини бажаришни ор билган айрим врачларни ёмон кўраман. Ҳар бир шифокор кичик тиббиёт ходимларининг ишини билиши керак. Буни талабага врачликкача бўлган йўлнинг икки-чирларини талабаликдаёқ тушуниб ўрганишларини тилардим.

Қўл остидаги врачларга ҳам доимо шунини таъкидлаётиман.

Дарвоқе, Каримжон ака кимдодир шогирд бўлиши билан бирга кимлар учун устоз. Шогирдлардан бири яқинда номзодлик ишини ёқлади.

ФИДОЙИЛИК

— Шаъм-тиббиётнинг рамзи бўлиб кўринади менга. Чунки у бошқаларга ёруғлик улашайин деб ўзини ёндирди. Ёниб тугагунча, нур таратади. Доктор ҳам ёниб яшаши керак.

Дарҳақиқат, ёниб яшайдиган инсонларимиз кўпки, ҳаёт давом этаяпти. Бундай инсонларни фидойилар деб атагим келади. Зеро, бугун бунинг фарқи аён. Эрталаб соат 7 да ҳамма врачлар ҳам касалхонага келиб беморларга қарайвермайди. Устига-устак оғир, тинимсиз ва харражатли илм машаққати ҳам фақат фидойилар бардош бера олади.

Охирги саволим, шифокор нимадан лаззат олади?

— Бошқа шифокорларни билмайдиму аммо мен соғайиб кетган бемор чеҳрасидаги қувончдан лаззатланаман. Ҳаётимнинг мазмуниям шу.

Ҳалим САИИД

«ШАЪМ— ТИББИЁТ РАМЗИ»

СИЛ — «ЎПКА КАСАЛИ» ЭМАСМИ!

— Оддий фуқаро, ҳатто баъзи бир тиббиёт ходимлари орасида сил касаллиги ҳақида гап кетса «ўпка касаллиги» деб тушунилади. Аммо унинг турлари кўп: ўпка сили, суяк сили, буйрак сили, лимфа тугунлари, [бўйин қўлтиқ таги беши] сили, қорин пардаси сили, қорин бўшлиғи ичак тўқич безлари сили... Сил касалликларининг бу турлари нисбатан кам учрайди. Шунинг учун тиббиёт ходимлари томонидан кам эътибор билан қаралиши сабабли ташҳиснинг нотўғри қўйилишига олиб келади. Чунки ташҳис кўп ҳолларда ўпкага қараб белгиланади. Лекин лимфа тугунлари сиқиди ўпка тоза бўлиши ҳам мумкин. Бемор у ёққа боради, бу ёққа югуради, текширтиради — ўпкаси тоза, лекин ўпкадаи ташҳари аъзоларда сил бирламчи бўлиши мумкин. Аниқ ташҳис қўйилгунча фурсат ўтиши табиий. Бу эса даволаш жараёнининг қийинчилиги билан ўтишига олиб келади ёки вақт ўтган бўлади.

Кўпчилик аёллар бепуштлиқдан нолишади. Врачга учрашади, табибга боради. Врачлар юқорида айтганимиздек силнинг яна бир тури бўлиши — аёл таносил аъзоларининг сили ҳақида кам маълумотга эга бўлганларидан яна аниқ ташҳис қўйишолмайди. Ташҳиснинг ноаниқ ёки нотўғрилиги эса касалликни кучайтиради, ҳамда аёлни урбод бепуштлиги сингари оғир асоратга олиб келади. Бу эса кўпчилик оилаларнинг барбод бўлиши демакдир.

САБАБЛАР

— Касалликнинг келиб чиқишига оилавий шароитнинг ёмонлиги, экологияси бузилган жойлар об-ҳавоси таъсир қилади. Касаллик пахта экиладиган вилоятларда, жумла-

дан Жиззах вилоятида кўп учрайди. Лекин тоғ шароитларида ҳам бу касаллик учраб туради. Гиёҳвандлик ҳам силни келтириб чиқаради. Гиёҳ Сурхондарёнинг Денов туманида истиқомат қилувчи гиёҳванд йигитнинг иммун системасини кўриштиб ташлабди. Йигитни қўтқара олмадик. Шу жиҳатдан касаллик СПИД касалига ўхшайди. СПИД ҳам одам организмдаги касалликка қарши курашадиган иммун системасини ишдан чиқаради. Организмнинг касалликка қарши кураша олмаслиги турли касалликларни келтириб чиқаради.

Бу касалликнинг аёлларда кўп учрашига эса уларнинг қамқонлиги, камқуватлиги сабаб бўлади. Бугун илм сил касаллигини чуқур ўрганишга кирришган. Зеро, дунёда давлатнинг бойлиги болалар ўлими, қон касалликлари, онкологик касалликлар ва сил касалликлари кўрсаткичига қараб белгиланади. Демак, бу касалликлар қанча камайса юртимиз шунча бойийди.

СИЛ ТУЗАЛМАС КАСАЛМИ!

— Беморлар одатда «Духтир ака, тузалиб кетаманми!» дея савол беришади. Унга шифокорнинг қандай жавоб бериши ҳаммага аён. Ҳар бир табиб даволашга ҳаракат қилади. Ахир унинг бурчи даволаш.

Бемор ўзида бироз соғайишни сезса дарров касалликни унутади. Бир ўнгитли мисол. 1991 йил жинззахлик бемор келинчакни онкологидан сил касали бўйича текширувдан ўтказиб туришимиз лозим эди. Лекин бир сафар 6-7 ой келмади. Узини соғайдим деб ҳисоблаган бўлса керак-да. Одам юбордим. Уни олиб келишганида касаллик бошқатдан қўзғалди. Асорат беришга улгурган экан. Қўтқаришининг имкони бўлмади.

Сил билан оғриган бемор

Кейин тугилиб ўсган жойи Тошкентга қайтиб, 15-шаҳар касалхонасидаги жарроҳлик бўлимида 2 йил ишлади. 3 йил биринчи шаҳар шифохонасида ишлаган эса илмга ишғини. 1987 йил номзодлик ишини ёқлаш, ҳозирги иш жойига ўтди ва айни кунларда жарроҳлик бўлими мудири бўлиб ишлайди. Профессорлар В. С. Гинзбург, А. Убайдуллаев Карим аканинг илмий раҳбарлари. Колаверса, илмгоҳ бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди А. Содиқов илмий иш учун шароит яратиб берган, масла-

турхон атрофини тўлдириб ўтирган невараларига қараганча ҳаёлига келатган бўлса не ажаб.

Каримжон аканинг турмуш ўртоғи ҳам шифокор. «Она ва бола» марказида кардиология бўлими мудири, олий тоифадаги кардиолог. Уч фарзандни тарбиялашмоқда.

— Бўш вақтларим кам бўлади. Китоб мутолаа қиламан. Тарихий асарлар жони дилим. Ҳазилларни севиб ўқийман. Ҳозирги шоирлардан эса Мухам-



Жаҳон эстрадаси юлдузларининг ҳаётига ким ҳавас қилмайди дейсиз. Уларга тақлид қиладиганлар кўпайгани сари бу юлдузларнинг ҳозирги ҳаёти, дунёқарashi, ўй-ҳаёли, диди билан қизиқиш ҳам кучаймоқда. Шундай юлдузлардан бири машҳур эстрада юлдузи Сандрадир.

— Сандра, сиз «Ёки мен номимга доғ туширмасдан ўз мақсадимга эришаман ёки менга ҳеч нарсанинг кераги йўқ» деганингизда нимани назарда тутган эдингиз?

— Санъат оламига кириб келаётган кўпгина қизлар муваффақият қозониш учун ўз продюссерларининг нафсини қондиришга розилик беришади. Мен эса бундай пасткашликсиз ўз мақсадимга эришишга қарор қилган эдим. Омадим бор экан, бунга эришдим. Мен бундай тавақалчилик йўли билан муваффақият қозонганларнинг биринчиси бўлсам керак.

— Ҳозирги қизлар сизга ўхшашни ҳавас қилиб тақлидчиликка берилиб кетишган. Гўё сиз каби обрў-этибор топиш ГАРБДА ОСОН ЭМИШ?

— Агар инсон обрўталаб бўлса у кўп нарсаларга эришиши мумкин. Аммо бу борада бундай «фазилат»нинг ўзи камлик қилади. ГАРБДА РАҚОБАТ НИҲОЯТДА КҮЧЛИ. Гўзал ташқи кўриниш ва ширали овоз муваффақиятнинг ягона манбаи эмас. Мендан ҳам гўзал, овози ширалироқ қизлар дунёда кўп, аммо улар ҳаётда кўп нарсага эриша олмаётдилар-ку. Менга омад кулиб боқди. Омадсиз муваффақият йўқ нарса. Аммо менга ўхшашни истайдиган қизларга айтар сўзим шуки, ҳар бир соҳада ҳеч нарса ўз-ўзиндан келмайди.

— Келинг, сизнинг диндингиз хусусида суҳбатлашамиз. Қандай ичимликларни ёқтирасиз?

— Онда-сонда вино ичман, аммо концерт бериш олдидан эмас, албатта. Гибравандликдан узоқман. Умуман ичимликлар этиборимни у қадар жалб этмайди. Фақат бир марта — 16 ёшга тўлган куним маст бўлгунча ичган эдим.

— Эркакларга муносабатингиз қандай?

— Эркак киши ақлли, ростгўй бўлиши шарт. Бундан ташқари, унинг ҳаёти маълум бир мақсадга қаратилган бўлиши лозим. Кўп гапирган, эркакча хулқ-атвори бўлма-

САНДРА:
ОМАДСИЗ МУВАФФАҚИЯТ БЎЛМАЙДИ

ганларни ёқтирмайман.

— Яқинда сизнинг янги кўшиқлар тўпламингиз сотувга чиқди. Бу навбатдаги одатий кўшиқлар тўпламими?

— Ҳа, шундай деса ҳам бўлади. Мен янги кўшиқларимни тўплашим кераклиги ҳақида грампластинка заводидан хат олдим. Тўпланда 18 та кўшиқ мавжуд. Уларнинг катта қисми «Мария Магдалена» номли Европа хит пақрадида айтилган эди. Мен ишлаш, янги усулда ижод қилиш учун 2-3 йил муваффақиятсизлик билан ўтди. Бундан ташқари саёҳатлардан жуда чарчадим. Жомадонда яшаш жонимга тегди. Олдий одамлар қатори оила ташвишлари билан яшашни истайман.

— Фарзанд тарбиялашни истайсизми?

— Умуман олганда истайман. Аммо танаффус қилишдан асосий мақсад бу эмас. Бу масалада жиддий ўйлаб кўрмоқ керак, бунинг учун ҳаёдан мусиқани чиқариб туришга тўғри келади.

— Сизнинг юлдузингиз эрингиз юлдузига жуда мос дейишди.

— Ҳа, эрим Михаэл Крету билан бир кун (18 май)да туғилганми.

— Қандай рангларни хуш кўрасиз?

— Оқ, қора, феруза рангларни ёқтираман.

— Севган гулларингиз?

— Нилуфар гуллари.

— Сизнинг бир кўшигингиз бор. Унда жониворлар ҳақида куйланади. Нима, Сиз «Артистлар табиат муҳофазасида» ассоциациясининг аъзосимисиз?

— Йўқ, гарчи у билан ҳамкорлик қилсам-да, мен бу ассоциация аъзоси эмасман.

Мен бу ташкилот учун маблағ ҳам, хайрия ҳам қилмайман, чунки ўша маблағ жониворлар муҳофазасига сарфланишига ишонмайман. Пуллар бутунлай бошқа жойларга ишлатилаётгани кўриниб турибди. Бу борада ўзим нимадир қилишни афзал билман. Ҳозирги яшаётган жойимда жониворлар учун яшиғина маскан қурганман. Уйлайманки, ҳар бир инсон қайсидир бир жониворга гамхўрлик қила бошласа, дунё гўзаллашган бўларди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади



С. МАҲҚАМОВ сурати

Дам олиш куні арафаси. Кечқурун. Кўчадаги тўда-тўда ширакайф болаларнинг қийқириқлари ўткинчиларнинг этини жунжиктиради...

Дарҳақиқат бу ваҳима бежиз эмас. Урганилаётган фактлар ҳар қандай кишини ҳам ўйга толдиради. Кун сайин тартибсиз бўлиб бораётган мактаб болалари ота-

бундай базмларда ўзларини яхши ҳис қилиша олмайдилар.— Атиги беш кишидан бошланган йиғин 25 киши билан тугайди,— дея музокара билдиради «Бугунги Америка» газетасининг Ешлар бўлимида ишловчи 16 ёшлик Свелик Жагги.— Йиғин йиғилади-ю, аммо унинг иши нима билан туга-

**ҲАДДИДАН
ОШАЁТГАН
БОЛАЛАР**

аналар ва полицияни жиддий хавотирга солиб қўймоқда.

Фремонт, Калиф. 200 га яқин ўқувчилар ўтган яқшанбада 1 миллион долларлик уйни ёқиб вайрон қилиб юборишди. Ота-онаси билан аразлашиб қолган уй эгасининг ўғли бозм уюштирган ва уйининг қалитларини болаларга берган экан.

Потомак. Полиция ходимлари бир гуруҳ ота-оналарнинг вояга етмаган ўз болаларини пиво базмига жўнатиш учун автобус ёллаганини жамоатчиликка эълон қилиб одамларни лол қолдирди.

— Бу воқеалар ўта оғир муаммоларни келтириб чиқармоқда,— дейди Фремонт полициячиси Майкл Лонам,— энг ёмони — баъзи кишилар бундай базмлардан талон-тарожилик мақсадларида фойдаланмоқдалар. Лекин кўпчилик болалар

шини ҳеч ким олдиндан айтиб бера олмайдилар.

Болаларнинг кўпчилиги бу йиғинлар мўмай пул топиш йўли эканлигини аллақачон тушуниб, ширинтомоқ бўлиб қолмишган. Шунинг учун ҳам мутахассисларнинг кўпчилиги вақтида ота-оналарнинг ўз уйларида бўлиб туришларини зарур деб ҳисобламоқдалар.

Юқориди айтилган автобус ёллаш воқеаси болаларнинг ўз шахсий машиналарида авария қилиш ҳолларига қарши қўрилган чора экан. Бундан ташқари полициядагилар ҳам турли қоралар қўлламоқдалар: қамоққа олиш, базм бўлаётган кўчани машиналар билан ўраб олиш ва ҳоказолар.

Ҳиндистондаги мухбиримиз Салоҳиддин СИДДИҚОВНИНГ «Бугунги Америка»дан таржимаси

**БОЛАЛАР ЭГАЛЛАЁТГАН
ЯНГИ «БИЛИМ»**

Болалар руҳиятидан шу нарса маълумки, улар жуда тез ишонувчан бўлади. Яъни катталарга тез ишониб, уларга тақлид қилишгача боради. Шунинг учун ҳозирги кунда айрим ёш болалар бозорларда, кўча-кўйда, йўлақларда акахону опахонларига, ота-онасига эргшиб савдо-сотик ишлари билан шуғулланмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, мактаб ёшидаги ўқувчилар янги билим «Оилавий бозор иқтисодини» эгаллашяпти.

Ҳатто, баъзи ота-оналар ўз фарзандини ўзларига нисбатан кўпол, меҳрсиз эканлигидан, оиладан узоқлашиб бораётганидан нолишади. Ва бу иллатларни турмушга, муҳитга тўнкаб қўя қоладилар. Ас-

лида баъзи ота-оналар фарзандларини кундалик турмушнинг икки-чикирларига аралаштириб, нопок йўл билан тарбия бермоқдалар. Оқибатда бу нарса мактабдаги таълим ва тарбия жараёнига ҳам таъсир этмоқда.

«Яхши фарзанд юрт тебратар, ёмон фарзанд ерга қаратар», деган гап бор халқ орасида. Болаларимиз ҳаёт сўқмоқларида қоқилмаслиги, ҳаётга энгил-елпи қадам қўймаслиги учун ҳам оилада, ҳам мактабда тарбияни мунтазам равишда инсонийлик, диёнат, меҳр-оқибат туйғуларини билан суғориш керак, деб ўйлайман.

Н. РАҲМОНОВА
Хатирчи тумани



Н. МУҲАММАДЖОНОВ сурати



— Гапиришни билмагандан кейин йиғлайди-да.

— Одамзод нима учун ёлғон гапирарди!

— Рост гапиришнинг иложи бўлмаганидан.

— Угилларингизнинг ҳам ҳаётда худди ўзингиздай бўлишни истармидингиз!

— Умуман олганда инсон тариқасида сизга ёққанлигимдан ушбу саволни берган бўлсангиз унда нафақат ўгилларим, балки қизларимнинг ҳам ўзимга ўхшашини хоҳлардим.

— Бугун нимадан мамнун бўлиб яшамоқдасиз!

— Соғ-саломат, эсон-омон, бардам-бақувват яшши ва ёмонлар орасида пешонамга яраша туз-насибамни бекаму-куст топиб еётганимдан.

— Биринчидан бу текин бизнес эмас. Бизнес учун ҳам елиб-югуриш, каллани ишла-тиш шарт. У ўз-ўзидан амалга ошавермайди. Айни паллада мен ҳам шуғулланыпман. Ки-чик корхонам, шунингдек фирмам ҳам бор.

— Кимга ишониб яшасо дамзод бахтли бўлиши мумкин!

— Хотинига, хотинига ва аяна хотинига, сўнгра дўстлар-рию ўзига.

— Соат Шариповнинг ҳо-зирги моддий шароити, аҳ-воли қандай!

— Айтганимдек, анчагина семирган, бироз қорин осил-тирган. Шунга кўра худога шукр, бировдан камчилиги йўқ. 3 хонали уйи, шахсий машинаси ва хотини бор. Бир ўғил ва икки қизнинг отаси.

— Ўзингизга ёқмайдиган

— Онам раҳматлининг гапларига қараганда мен ҳар куни акамлар ва опамларнинг ишга кетадиган пайтини бил-гандай йиғлаб уларни уйқу-дан уйғотар эканман. Шу-нинг учун менга Соат деб исм қўйган бўлса ажабмас.

— Ҳазилми, чинми!

— Ҳам ҳазил, ҳам чин.

— Фарзандларингизнинг исмини ҳам будиллик, се-кунд, минут дейишди, шу ростми!

— Йўқ нотўғри. Узим ҳа-зиллашиб давраларда шуна-қа деб гапираман холос. Катта ўғлимнинг исми Санъат, ун-дан кейинги қизгинам Чарос-хон ва кейингиси Хулқарой.

— Футболга қизиқасиз, балки шарҳловчилик қилиш ҳам қўлингиздан келар.

— О, қанийди! Ҳам ўзим маза қилган бўлардим, ҳам томошбинлар маза қили-шарди.

СОАТ ШАРИПОВНИНГ 41 ТОМОНИ

Таниқли санъаткоримиз Соат Шарипов асли Бухоро вилоя-тидан. Фалакнинг гардиши билан тошкентлик бўлиб кетган. Кишининг диққатини тортадиган белгилари жудаям кўп. Узига яраша мансаби, обрў-эътибори бор. Футболга ўн. Оёқ кийи-мининг ўлчами 44. Аммо айтиб қўяй: у киши ҳаётда жудаям жиддий. Жаҳлдорроқ десам ҳам бўлади. Бироқ иккаламиз-нинг суҳбатимиз сираям жиддий тус олмади. Ҳазил-ҳазил билан анча нарсани гаплашиб қўйдик чамамда.

— Соат ака, биласизми, қизлар сиз ҳақингизда нима деб гап тарқатишган. Эмиш-ки, «Соат Шарипов чиройли, аммо бўйи пакана, хўппа се-миз одам» Шу гапга нима дейсиз!

— Чиройлиманми, чирой-ли эмасманми, бу тўғрида хотинимдан сўрашсин. Қиз-ларга ҳам хайронман: бўйим билан нима ишлари бор экан. Бор-йўғи 176 сантиметр бўл-сам. Рост, фақат кейинги пайта анча семириб кетдим.

— Қизил гул муҳаббат-нинг, сариқ гул айриликнинг белгиси дейишади. Нега шу-нақалигини биласизми!

— Очигини айтсам бу гап-ларга ишонмайман. Ҳаттоки амал ҳам қилмайман. Бироқ қизил гулни яхши кўраман. Ҳар доим танишларимга шунақасидан тақдим этаман.

— Робинзон Крузога ўх-шаб кимсасиз оролга тушиб қолсангиз, олдингизда 100 коп доллар бўлса нима қила-сиз!

— Ҳовли олган бўлардим. Қолганларини телевидение-

да ўзим ташкил қилган кўр-сатуларнинг сифатини яхши-лашга ҳамда голибларни му-кофотлашга сарфлардим.

— Соат Шариповнинг урилгани ростми!

— Тушунмадим. Худога шукр, икки кўзим кўрса, оёғим тўғри юрса нимага урилишим мумкин.

— Нима учун одамда ҳам-ма нарса жуфт яралгану оғиз билан калла биттадан инъом қилинган!

— Яхшиям одамда битта оғиз, битта калла бор. Агар улар ҳам иккитадан бўлганда борли одамзод давним-дав-но бир-бирини адоий тамом қилган бўларди.

— Ўзбекларнинг таниқли актёри Соат Шарипов неча ёшга тўлди!

— Март ойида 41 ёшга.

— Одамни бир сўз билан ўлдириш мумкинми!

— Билмадим.

— Чақалоқ нима учун фа-қат йиғлайди!

— Севги нима!

— Севги бу изтироб. Сев-ги бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган лаззатли ва даҳшатли буюк нарса.

— Хиёнат-чи!

— Бу шундай ифлосликки, ҳатто бунга жавоб бергим ҳам келмаяпти.

— Қанақа гулнинг ҳидини яхши кўрасиз!

— Атиргулнинг.

— Нега аёлларда соқол ва мўйлов бўлмайди!

— Улар уй ишлари билан шунчалик бандки, тангри тао-ла аёлларнинг соқол мўйлов олишга вақти етмаслигини ҳисоблаб юзини сип-силлиқ қилиб яратган.

— Машҳур қизиқчи Ҳожи-бой Тожибоев билан фарқин-гиз нимада!

— Ҳожи кулдиради. Мен қикирлаб куламан.

— Битта энг қизиқ ва энг қисқа афанди латифасидан айтиб берсангиз!

— Айни паллада сизни кулдиришни эплолмасам ке-рак. Бу жуда нозик ва қийин иш. Қанча ҳаракат қилмайин барибир фойдаси йўқ.

— Ҳозир ҳамма ўзини те-кин ва қалбаки бизнесга уриб кетди. Бу борада сиз ҳам бўш ўтирмаётгандирсиз!

хислатларингиз борми!

— Тез жаҳлим чиқади. Алдаган одамни ёқтирмай-ман, аммо баъзи одамлар барибир алдашга уринавера-ди.

— Нима учун шахсий ма-шинангизнинг рақами 3333. Бу олифталикнинг белгисими ёки бошқа бир аҳамиятли нарсамми!

— Иш фаолиятимга қўйил-ган ўртача баҳоларнинг рам-зидир.

Қисқаси ишлари баҳола-майдиган одамлар менинг ишимга ҳаммаша 3 баҳо қўйиб келган.

— Нима учун исмингиз Соат. Бошқаси топилмаган-ми!

— Унда нега шарҳловчи-лик қилмайсиз!

— Менимча саволни эгаси-га бермадингиз-ов.

— Қанақа таомни хуш кў-расиз!

— Ошни!

— Нега!

— Чунки у ошда.

— «Чини, пини, ғўзай, тў-зай» кўшигингизни ким ёзган ва уни кейинги пайтада нега айтмай қўйдингиз!

— Бу «Зайнаб ва Омон» ариясидан Эргаш кўшиғи. Кейинги пайтада ҳам айтиб юрибман. Фақат тўй, концерт ва ўтиришларда.

— Сунгги тилагингиз!

— Ҳали ҳаётдан умидим кўп.

Нормурод МУСОМОВ суҳбатлашди



Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Муҳаббат ИБОДОВА, Ҳалим САЙИИД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ,

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Болалар жам-ғармаси.

Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармасининг «Чинор» илмий ишлаб чиқариш бирлаш-маси.

Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик майдони, 5-бино,

3-қават

Телефон: 39-43-99

Икром ИСКАНДАР навбатчилик қилди.

Обуна индекси — 64654

Рўйхатга олиш № 33

Буюртма № Г-1119. 18415 нусқада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.